

**ЭЧКИЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА
УНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ БҮЙИЧА**

ТАВСИЯНОМА

**(Фермер хўжалиги раҳбарлари, мутаҳассислар
ва шаҳсий томорқа хўжаликлари учун ён
дафтарча)**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**Эчкичиликни ташкил этишда инновацион
технологиялар ва уни самарали бошқариш
бўйича**

ТАВСИЯНОМА

Андижон-2021 йил

Ушбу тавсиянома Қишлоқ хўжалик машиналари ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси катта ўқитувчиси **О.Жавҳаров**, кафедра ассистенти **Х.Эсанов** ва СамВМИ Қорамолчилик, паррандачилик ва балиқчилик кафедраси доценти **Ш.Амировлар** томонидан тайёрланди.

Тавсиянома Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 4-сонли йиғилишида тасдиқланган.

Мазкур амалий тавсиянома қишлоқ хўжалигига серпушт ва тез етилувчан эчки зотларини етиштириш ҳамда эчки сути ва гўшти ҳамда қиматбаҳо жун ва твит маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича амалий тажрибалар, шунингдек, илғор фермер хўжаликлари фаолияти асосида тайёрланган.

Ушбу амалий тавсияномадан эчкичиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ходимлари, мутахассислари ва шахсий томорқа хўжаликлари эгалари ва олий таълим муассасидаги чорвачилик таълим йўналишларида таълим олаётган талабалар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Д.Юлчиев – Қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғини озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари.

Р.Р.Рўзимуродов – СамВМИ. Қоракўлчилик, йилқиҷилик ва ипакчилик кафедраси мудири, қ.х.ф.н.

КИРИШ

Эчки аҳоли хонадонларида сут, гўшт, жун, тивит, териси учун бокилади. Эчки ўзига ўлат, чечак ва сил касалликларини юқтирмаслиги, оқсил ва енгил ўзлаштирилувчи ёғларга бой сут бериши билан эътиборли. Эчки сутида мис, рух, марганец, йод каби микроэлементлардан ташқари камқонликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган кобалт моддаси нисбатан кўп учрайди. Эчки сути таркиби жиҳатидан она сутига жуда яқин туради.

Эчкичилик чорвачиликнинг сут ва гўштга тез етилувчанлиги ҳамда қиматбаҳо жун ва твит берувчи соҳалардан бири бўлиб, аҳолини сут ва гўшт, саноатни эса арzon жун ва твит маҳсулотлари билан қисқа муддатларда таъминлаш имкониятини беради.

Мазкур тавсияномадаги маслаҳатлар ва илмий тавсиялар аҳолини уй шароитида кенг миқёсда зотли эчкиларни парваришлашни яхшилаш, кўпайтириш ва улардан олинадиган иқтисодий самарани ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган.

Эчкичиликни ташкил этишнинг муҳим аҳамияти

Эчкичилик-чорвачиликнинг Эчкиларни боқиши ва кўпайтириши билан шуғулланувчи муҳим тармоғидир. Жаҳон бўйича 709,9 млн. бош эчки боқилади. Унинг асосий қисми Осиё (443,7 млн. бош), Африка (205,6 млн. бош), Жанубий Америка (25,9 млн. бош) мамлакатларига тўғри келади.

Иқлим шароитига мослашган сержун эчки зоти Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида, ангор эчкиси Туркия, АҚШ, Жанубий Африка Республикаси, Австрия ва қисман Мадагаскар оролларида, қашмир эчкиси Тибетда, оренбург, олтой эчкилари Россияда



парваришлиланади ва улардан фойдаланилади. Эчкиларнинг сут, жун, тивит йўналишлари мавжуд. Сут эчкичилиги Европа

мамлакатлари, Россиянинг марказий ҳудудлари, Шимолий Кавказ, Крим, Закавказе, Ўрта Осиёда, жун эчкичилиги Туркия, АҚШ, Африка, Австралия, Ўрта Осиё, Қозоғистонда; тивит эчкичилиги Тибет, Россияда кенг ривожланган.

Кўп мамлакатларда эчкилар сути учун бокилади. Эчки сути енгил ҳазм бўлади, айниқса, болалар ва ошқозони касал одамлар учун ниҳоятда фойдалидир. Эчки сутидан пишлок ва бошқалар турли парҳез маҳсулотлар ҳам тайёрланади.

Эчки гўшти тўйимлилиги ва таъми жаҳатидан кўй гўштидан қолишмайди. Махсус сержун зот эчкилардан кокили узун, ипаксимон товланадиган жун олинади. Жуни бир хил, чидамли, пишиқ, эластиклиги туфайли улардан костюмбоп газламалар,



гилам, трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилади. Терисидан шавро, хром ва бошқалар олинади, пўстак қилинади, қалин жунли терилардан мўйна тайёрланади.

Эчкичилик Ўзбекистонда қадимдан ривожланган. Наманган вилоятининг Чуст, Поп, Косонсой, Тошкент вилоятининг тоғолди туманларида, Самарқанд вилоятининг айрим хўжаликларида, Навоий вилоятининг Нурота ва Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманларида боқиб кўпайтирилади.

Хозирда эчкичилик соҳасида наслчилик ишларини ташкил қилиш, уларни асраш, парвариш қилиш, улардан сифатли маҳсулотлар олиш бўйича Ўзбекистон чорвачилик институти, қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари кафедраларида илмий малий ишлар олиб борилмоқда.



Эчки сути ҳақида фойдали маълумотлар

Эчки сути томоқдаги, қовукдаги яраларни даволайди, йўтал, қон туфлаш, бош оғриғи, меъда хасталикларида фойда қиласи. У қуруқ

мизождан бўладиган хафақон, васваса ҳамда эсда сақлай олмаслик касалига ҳам яхши даводир. У билан оғизни чайқаш ва ғарғара қилишнинг бодомсимон безлар нихоят даражада озиб кетишга фойдаси катта.

Ҳозирги пайтда эчки сутидан қатик ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб, вилоятимиз аҳолисига етказиб берәётган фермерлар келгусида чет элдан зарур технологияларни сотиб олиб, маҳсулот турини кўпайтириш ниятида.



Эчкиларнинг асосий биологик хусусиятлари.

Бу жониворнинг асосий биологик хусусиятларидан бири шуки, у ҳар қандай иқлимга тез мослашади. Озуқа танламайди. Қисқа муддатда семиради. Болалари бошқа ҳайвонларни кетишади. Иқлиминг ўзгаришига, дейлик куннинг жуда исиб кетиши ёки эрта совук тушишига мослашувчангилиги ҳам яхши.

Парвариши камхарж бўлиб, алоҳида емиш ёки парвариш талаб қилмайди.

Зотдор эчкilarнинг етук ёшдаги такалари 60-70 кг, айримлари 90 кг, она эчкilarи 35-40 кг, айримлари 60 кг.га етади. Улокларининг сут эмадиган пайтидаги тирик вазни 20-25 кг тош босади. Жайдари зотли урғочи эчкilar пуштдор бўлиб, ҳар йили биттадан, айримлари иккитадан болалайди. Ўрта ҳисобда 100 бош урғочи эчкidan 90-105 бошгacha улоқ олинади.



Эчкilarни озиқлантириш тадбирлари

Эчкilarни тўғри озиқлантиришини ташкил этиш жуда муҳим тадбир. Уларнинг ҳаёти, маҳсулдорлиги, физиологик ҳолати ва организмдаги барча физиологик жараёнлар бу тадбирга бевосита боғлиқ, шу сабали Эчкilarни озиқлантиришида уларнинг тирик вазни, ёши, жинси, маҳсулот бериши, йўналиши, физиологик ҳолати ҳамда йилнинг мавсуми инобатга олиниб маҳсус нормалар белгиланиб рацион тузилади ва у асосида уларни боқилиши доимий назорат қилиб

брилади. Барча эчкилар түғри озиқлантирилганида семизлиги ўрта ҳолда бўлади, агар бу ҳолат ўзгарувчанлик пайтида бўлса унда рационга ўзгартириш киритилади.

Эчкилар яйлов ҳайвони бўлиб, асосан яйловда асралади ва ундаги ўсаётган ўсимликларни истеъмол қилиб озиқ моддаларга бўлган талабни кондиради. Эчкиларни яйловда ўтлатиш куйидаги мавсумларга бўлинади: кўклам, ёз, куз ва қиши.

Кўклам даври: эчкичилик хўжаликларида 15 февраль 1 майгача давом этади. Бу даврда эчкиларни озиқлантириш улардан сут ишлаб чиқариши ва улоқларини эмдириши билан боғлик ҳолда олиб бориши таъминланади. Бу мавсумда эчкиларни озиқлантириш учун асосан бўз ерлар, саксавул, чакалаклар ўсадиган яйловлар боқилади. Бу яйловларда асосан қорабош, илоқ, кўнғир бош каби ўтлар эрта ўсади. Бу яйловлар текис ва турли баланд

ўсадиган ўтлардан холи бўлиши зарур.

Эчкиларни ва улоқларни кузатиб боришига қўлайлик яратади. Қолаверса, бу яйловларда



Эчкиларни суғориш учун қудуқлар бўлиши шарт. Улоқларни ичини ўтказмаслиги учун қудуқлардаги сув шўр бўлмаслиги керак. Эчкиларни ўтлатиш учун маҳсус кун таритиби ишлаб чиқилади эрталаб соат 7 – 11 ўтлатиш, 11 – 12 суғориш, 12 – 14 дам олиш, 14 – 19 гача эса ўтлатиш ва 19 дан эрталабгача маҳсус тунаш жойида дам олдириш.

Ёз мавсуми: 1 майдан то 15 сентябргacha давом этади. Бу мавсумда

хўжаликда асосан қисир эчкилар, катта улоқли эмизикли ва соғин эчкилар,



ҳамда 1 ёшли улоқлар ва такалар бўлади. Бу эчкилар бир ҳил тартибда озиқлантирилади. Нимжон, серпушт ва соғин эчкиларга келсак, қўшимча озиқалар ҳам берилади. Бу мавсумда яйловлардаги илок, қўнғирбош ва бошқа қуриб қолган ҳолдаги уруғли ўтлар эчкилар учун жуда фойдали озуқа ҳисобланади. Бу яйловларни суви чучук ёки салгина шўр бўлиши мақсадга муофиқ. Бу мавсумда ўтлатиш вақти кечқурун ва куннинг салқин даврига тўғриланиши, қолган пайтларида

Эчкilorни дам олдириш мақсадда
мувофиқдир.

Куз мавсуми: 10 октябрдан 15 декабргача давом этади ва бунда хұжаликда асосан улоқсиз әчкilor, қочирилған әчкilor ва оналаридан ажратилған улоқлар, наслга яроқсиз гүштга топшириладиган ва ахталанған такалар бўлади ва деярли бир текис озиқлантирилади. Бу даврда әчкilor яйловлардаги ўсаётган арпабодиён, йўнғичқа, нўхатак, каби ўтлардан озиқланади. Яйловларда қудуклар бўлиши ҳам лозим.



Қиши мавсуми: 15 декабрдан 15 февралгача давом этади. Эчкilor қишки




яйловларда шувоқ, янтоқ, саксавул, барг пояли ўсимликлардан фойдаланади. Қиши мавсумида совуқ ҳамда қор бўрон ва ёмғир кунлари

әчкilor қўлдан кўшимча озиқланади. Буни инобатга олиб ҳар бир эчкига бошига,

қишлоғни яхши үтказилиши учун 1,5-2 центнер дағал хашак тайёрланиши керак.

Эчкіларни танлаш ва уларни сотиб олишда әътибор бериладиган жиҳатлар

Хұжалигингиз учун әчкілар сотиб олишини мұлжалладынгизми? Агар сиз чорвачилик соҳасига қизиқсанғыз, әчкіларни ҳам парваришлиш учун сизде қобилият бор. Сотиб олишдан олдин, сиз келажақдаги ҳайвонларни сақлайдиган жойга әга бўлишингиз керак. Шамол ва ёмғирдан пана, шунингдек, ташқарига чиқиш учун майдон зарур. Агар әчкіларни асосан, яйловда боқиши режалаштирумокчи бўлсанғыз, мавжуд яйлов үсимликлари сотиб олинадиган әчкілар микдори учун етарли эканлигига ишонч ҳосил килинг.



Қандай әчкілар сиз учун яхши?

Худудингиз иклим шароитларини үрганинг (кўпчилик зотлар маълум бир иклим шароитларига мослаша олмайди),

парваришлаш қоидаларига эътибор қаратинг (баъзи эчки зотлари маҳсус жойлар талаб қилади), маҳсулдорлик йўналишини танланг (гўшт йўналишидаги эчкilar, сут йўналишидаги эчкilar). Ушбу зотларни стандартларини билиб олинг.

Ўзингизга бир неча саволларни қўйинг:

- ☞ Нега эчки сотиб олишим керак? (кўчилик мутахассислар эчкilarни қорамоллар билан бирга парваришлашни тавсия этади), сиз учун қулай бўлган зот йўналишини танлаб олинг;
- ☞ Вояга етган эчки сотиб оласизми ёки улоқчами?
- ☞ Сиз аллақачон эчкilarни парвариш қиляпсизми ва пода маҳсулодорлигини оширишни хоҳлайсизми? (Бунда зотни тозалиги ва самарадорлигига кўпроқ эътибор қаратиш керак);
- ☞ Эчки сутини сотмоқчимисиз? (бозорда эчки сутига эхтиёж қандай?).

Ушбу саволларга жавоб бериш орқали сиз эчкilarни боқиш қанчалик тўғри эканлигини биласиз.

Яхши эчкини қаердан сотиб олиш мумкин?

Биринчи қадам сиз излаётган ишончли

зотни топишдадир. Агар сиз фойда келтирадиган эчкilarни (турли ҳил зотли эчкilarning авлодларини) ёки факат ҳужжатлар асосида сотиб олмоқчи бўлсангиз, шошилманг. Яхиси, сотиб олмоқчи бўлган эчкilarингизни эълон қилинган маҳсулдорлигини текширганингиз маъқул.

Агар эчкilarни ҳужжатлари билан сотиб олишга қарор қilsangiz, унда бу ҳолатда ортиқча эҳтиёткорлик сизга зиён қilmайди. Афсуски, бунда кўплаб фирибгарлар шубҳали нарҳларда ҳар ҳил зотларни пулламоқда ва соҳта гувоҳномалар каби ҳужжатлар ҳам қилиб беради. Шунинг учун эчkilar гувоҳномаларини мижоз сифатида кўриб чиқиш учун ҳақлисиз. Агар ҳужжатнинг ҳақиқийлигига шубҳа қilsangiz, битимни рад қилишингиз мумкин.

Эчkilarни танлашда қайси жиҳатларига дикқат билан қаралади?

👉 Яхиси, эчkilarни сотиб олмоқчи бўлган фермангизга ташриф буюринг. Эчkilar сақланадиган шароитларни тушуниш учун улоқлар ва эчkilarни ўз ичига олган фермер хўжалиги бинолари билан танишинг. Сиз сотиб олишингиз мумкин бўлган эчkilar,

шунингдек, бошқа сақланаётган ва сут берәётган эчкилариға қаранг.

- 👉 Агар сиз катта ёшли сутдор эчкиларни сотиб олишни режалаштирган бўлсангиз, унда уларнинг табиатига эътибор беринг. Эчки тажовузкор бўлмаслиги керак;
- 👉 Сотиб олмоқчи бўлган эчкиларингиз ҳаракатчан бўлиши керак. Ҳаракатланиш эчкиларда метаболизмни яхшилайди, нафас олиш тизими яхшиланади ва мускулларни ривожлантиради. Бундай эчкилар тез ривожланади, бу эса маҳсулдорликка ижобий таъсир кўрсатади;
- 👉 Гўнгини текширинг - эчки гўнги қаттиқ, юмалоқ тўпчали булиши керак, юмшоқ ва суюқ бўлиши ярамайди;
- 👉 Агар соғин эчки танласангиз, елини силлиқ ва яхши шаклланган бўлиши керак;
- 👉 Эчкиларнинг туёқларини ташлашига эътибор бериш керак. Олд туёқларни жойлашиш кенглиги кўкрагининг кенглигидан далолат беради. Катта кўкрак эчкининг яхши ривожланганлигини кўрсатади;
- 👉 Тери устида бўртиб чиққан яралар бор йўқлигини текшириш керак. Лимфа

түгунлари, йирингли жарҳатлари бор ёки йўқлигига эътибор қаратиш керак;

- ↳ Катта ёшдаги ва ўсаётган эчкилар бир ҳил ҳажмда бўлса ҳам, катта ёшдаги эчкилар одатда йирикроқ бўлиши билан фарқланади. Ўсаётган эчкилар одатда кичкина, улар катта эчкиларга нисбатан анча фаол;
- ↳ Агар эчкининг онасини ва отасининг онасини текшириб кўриш имконияти мавжуд бўлса, уларнинг ривожланишидаги нисбатларига, елин шаклига эътибор беринг.



Эчкиларни танлашда қўйидагиларга дикқат килинг:

- ↳ Жуни - текис, юмшоқ ва ялтироқ бўлиши, қўпол бўлмаслиги керак;

- ◀ Күзлари ёрқин бўлиши керак. Кўзлари қийшайиб, қизариши эчки саломатлиги ёмонлигидан дарак беради;
- ◀ Эчкилар бели текис булиши керак, буқчайган ва ботик бўлиши керак эмас.
- ◀ Эчкилар тумшуғида ҳеч кандай нуқсон бўлиши керак эмас. Ингичка жағлар дағал озуқаларни кавшаётган вактида тез чарчашига ва натижада тўйиб озиқланмасликка, жадал ривожланмасликка олиб келиши мумкин;
- ◀ Шоҳсиз эчкиларни танлаш яхши, чунки шоҳли эчки бир-бирига зарар етказиши мумкин;
- ◀ Думи тик йўналишда ёки қулай бўлиши керак, йиғилган ҳолатда эмас;
- ◀ Рудимент холидаги елин безлари мавжудлигига эътибор беринг. Бундай хусусият бир қанча авлодларга мерос бўлиб ўтади. Кўшимча елинлар сутни софиш жараёнига ҳалал бериши мумкин. Бундай ҳайвонлардан насл олиш яхши эмас. Сотиб олмоқчи бўлган зотдор эчкиларнинг қариндошларини



кўрсаткичлари билан танишинг. Бу сиз сотиб олган эчкилардан нимани кутиш мумкинлигини кўрсатади.

👉 Такаларни сотиб олаётганда, уруғ ҳалтасини ривожланганлигига эътибор беринг. Уруғ ҳалтаси бир ҳил баландлыкка кўтарилиши керак. Улар ичкарига кирган бўлмаслиги керак. Келажакда ичкарига кирган уруғдондан насл олиб бўлмайди ёки такани ахта килиб бўлмайди, бу эса таканинг гўштини ҳидли бўлишига олиб келади. Туёқларга ва улар тўғри кесилишига эътибор беринг. Ўсган туёқлар келажакда оёқ муаммоларига олиб келиши мумкин.

Сиз улоқларни танласангиз

Улоқларни сотувчидан олиб кетишдан олдин, ҳаридор сифатида унинг рационини ўрганинг ва сотувчидан бошқа озуқага ўргатиш борасида маслаҳат олинг. Биринчи галда уларни бошқа озуқага ўргатиб олишингиз зарур. Яхши фермер хар доим ҳайвонларни биринчи яхши озуқалар билан таъминлайди, яхши озуқа улоқларни ўтиш даврини енгиллаштиради, акс ҳолда овкат ҳазм қилиш жараёни бузилади ва аҳволини оғирлаштиради, уларни даволатишга туғри

келади. Натижада, улоқлар сизни узоқ вақт давомида сарф харажат қилишга олиб келади ва унинг ривожланиши секинлашиши мумкин.

Агар сут билан озиқланаётган улоқча олсангиз, унда сунъий сутга аста-секинлик билан ўргатинг. Шунда улоқчаларда стрессларни олди олинади.

Олинган улоқларни камида бир ой давомида мавжуд подалардан алоҳида сақланг, шунда улар касал эмаслигига ва хеч қандай паразит йўқлигига амин бўлишингиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

1. Муродов С. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ветсанэкспертизаси, қайта ишлаш технология асослари ва стандартизацияси. Самарқанд. 1997
2. Николаев А.И., Ерохин А.И. Овцеводство. М. “Агропромиздат”, 1987
3. Максудов И., Жўраев Ж., Амиров Ш. Чорвачилик асослари. Самарқанд. 2013.
4. Собиров Р., Қахаров А., Дўстқулов С. Чорва молларини урчиши. Самарқанд. 2003
5. Хамдамов Х.А., Юсупов С.Ю ва бошқалар. Майда шохли мол фермаларини самарали бошқариш бўйича қўлланма. Тошкент, 2019.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
Эчкичиликни ташкил этишнинг муҳим аҳамияти	6
Эчки сути ҳақида фойдали маслаҳатлар	9
Эчиларнинг биологик хусусиятлари	10
Эчиларни озиқлантириш тадбирлари	11
Эчиларни танлаш ва уларни сотиб олишда эътибор бериладиган жиҳатлар	16
Қандай эчилар сиз учун яхши?	16
Яхши эчкини қаердан сотиб олиш мумкин?	17
Эчиларни танлашда қайси жиҳатларига эътибор билан қаралади?	18
Эчиларни танлашда қўйидагиларга дикқат қилинг	20
Сиз улоқларни танласангиз	22